# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 21 август, № 161 (6091) Пайшанба


## Ўзбекистон — Хитой:

# ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида 20 август куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.



Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Ли Кэцян ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришга тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди.

Хитой марказидаги мазкур шаҳарнинг тарихи 3000 йилдан ошади. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақомини эгаллаган.

Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теграсида кўплаб қадимий мақбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг терракота армияси билан бирга дафн қилинган мақбараси бор.

Президент Ислом Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва қурол-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намоён этади. Улар 1974 йилги қазишма ишлари даврида эрамиздан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг мақбараси атрофидан топилган. 1987 йилда терракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди — Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий калити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур ҳандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалъалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншооти бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларидир. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий аслаҳалари, катта миқдордаги жангчилар бемалол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуклари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислом Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақли равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби — Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэнюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди.

Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилишида ва Президент Ислом Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривожи учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидагиришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Пекин — Сиань — Тошкент.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## ТААССУРОТ

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни қайта тиклаш, улуғ алломаларимизнинг юксак салоҳиятини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга жуда катта эътибор қаратилиб, бу борада кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

# «Ўзбекистон — салоҳияти юксак мамлакат»

Натижада хорижликларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ортди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Марғилон, Қўқон сингари ўнлаб шаҳарларимизни, улардаги бетакрор обидалар, осмонўпар миноралар, нақшу нигорларни, янгича қиёфа касб этиб бораётган ҳудудларимизни ўз кўзи билан кўриш иштиёқида бўлган сайёҳлар оқими кўпайди.

Улардан сафар таассуротлари ҳақида сўрасангиз, энг аввало, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни тилга олишади. Халқимизнинг самимийлиги, меҳмондўстлигидан сўз очишади. Албатта, Ватанимизнинг гўзал ва мафтункор эканини алоҳида таъкидлашади. Бундай муносабатлар шу юрт фарзанди сифатида қалбимизда ўзгача фахр уйғотиши табиий.

Мухбиримиз Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида мамлакатимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

**Федерико АЛЕССАНДРИЯ (Италия):**

— Юртингизга турмуш ўртоғим билан келдим. Туринда яшаймиз. Архитекторман. Шу боис бўлса керак, эътиборимни, энг аввало, қадимий мадрасаю карвонсаройлар, тоқилар ҳамда замонавий бинолар тортди. Мени уларнинг ўзига хос меъморий ечими қизиқтириб қўйди. Айниқса, Бухородаги маҳобатли Минораи Калонни кўриб, ҳайратга тушдим. Қадимий иншоотларнинг салобати, кўркамлиги ота-боболарингизнинг юксак салоҳиятидан далолат бериб турибди.

Шундай бебаҳо бойликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган, анъаналар давомчиси бўлган халқингизга таҳсинлар айтаман. Дарвоқе, Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларни дастлаб интернетдан олдим. Улар билан танишгач, юртингизга сафар қилиш истаги туғилди. Халқингизнинг хушфеъллиги, меҳмондўстлигини илк келган кунимиздаёқ дарров сездик. Ким билан кўришсак, очиқ чеҳра билан қарши олади. “Хуш, келибсиз. Сайёҳатингиз мароқли ўтсин”, дея илтифот кўрсатади. Бунақанги меҳр-оқибатни ҳамма жойда ҳам учратавермайсиз. Хивада, Бухорода бўлганимизда ўзимизни худди уйдагидек ҳис этдик. Олдинда бизни яна бир мароқли саёҳат кутиб турибди. Энди Самарқандга йўл оламиз. Дунёга машҳур бу афсонавий шаҳарни, Регистонни анчадан буён кўриш орзусида эдим. Ниятим рўёбга чиқаётганидан бениҳоя мамнунман.

Ҳадемай мустақиллик байрамингизни нишонлар экансиз. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини ана шу қутлуғ айём билан қутлайман. Яна янгидан-янги муваффақиятларга эришишингизга тилакдошман.

(Давоми 2-бетда).

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*“Туркистон” саройида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

# МУҚАДДАС ДИЁР МАДҲИ

Унга санъат байрамининг турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб бўлган ижрочи ва ижодий жамоалар таклиф этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида истиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” анъанавий республика кўрик-танловини байрамона руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 4-бетда).

# Аҳоли ижтимоий ҳимояси ва ислоҳот

*Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.*

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Чунончи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилаётган тадбирлар аҳолини, айниқса, ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, манфаатларини ҳимоялаш, маънавиятини юксалтириш, уларни меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган маданий-маърифий ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш, шу орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларга касаба уюшмалари муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи қарийб 2 минг нафарга яқин аёлларга электр маиший техника жиҳозлари байрам арафасида топширилди.

(Давоми 2-бетда).

# Энг улуғ, энг азиз байрам шукуҳи

*Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан жойларда “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида маърифий учрашувлар, мулоқот ва суҳбатлар, маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.*

## ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида бўлиб ўтган адабий-бадиий кеча ҳам ушбу айёмга бағишланди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз, шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиз, кун сайин фаровонлашиб бораётган турмушимиз, миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг қайта тикланганидир. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимиз юксалиб, юртимизнинг ҳар гўшаси тобора чирой очмоқда, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган беқиёс ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Андижон шаҳридаги “Эко комфорт элегант” масъулияти чекланган жамиятида қисқа муддатда светодиод ёритқичлар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг аксарияти маҳаллийлаштирилди.*

## Ёритиш майдони кенг, энергия сарфи эса ўн баробар кам

Айни пайтда корхона жамоаси томонидан етказиб берилаётган 10 турдаги замонавий электр ёритқич ва лампаларнинг фойдали хусусиятлари жуда кўп. Жумладан, энергия сарфи ўртача 10 баробар кам, хизмат муддати эса 8 баробар зиёд. Қолаверса, ёритиш майдони кенг, қуввати эса одатдагиларга нисбатан кучли. Мисол учун, Наманган аэропортидаги самарадорлиги паст 105 та ёритқич ўрнига светодиодли 83 ёритқич ўрнатилиши кифоя бўлди.

— Бир йил давомида буюртмачиларимиз сони икки баробар кўпайди, — дейди жамиятнинг тижорат масалалари бўйича директори ўринбосари Озодбек Аҳмедов. — Хусусан, Андижон шаҳридаги бир қатор қўшма корхоналар, Самарқанд ва Наманган аэропортларига ўз маҳсулотларимизни етказиб бердик.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳсулот харидоргирлиги ортмоқда

*Наманган шаҳридаги “Чошгоҳ” масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотлари харидоргирлигини ошириш мақсадида муттасил изланишлар олиб бормоқда.*

Гап шундаки, корхонада яқин вақтга қадар сочиқларни тўқишда оқ ва қора тусдаги калава иплардан фойдаланиларди. Маҳсулот дизайнини ўзгартириш ҳамда унинг турини кўпайтириш орқали бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилинди.

Эндиликда корхонада амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари туфайли тўқимачилик хом ашёси шу жойнинг ўзида тайёрланаяпти. Мазкур лойиҳа ижроси учун 969 минг АҚШ долларидан зиёд сармоя йўналтирилди. Бунинг натижасида 20 та иш ўрни юзага келди, ишлаб чиқариш қувватлари ҳам ортди. Технологик янгиланиш қисқа вақтда ўз самарасини берди. Чунончи, жорий йил охирига қадар тадбиркорлик жамоаси 1 миллиард сўмликка яқин маҳсулот тайёрлашни кўзламоқда. Эътиборли жиҳати, момиқ сочиқларнинг 60 фоизи экспортга чиқарилаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мурожаатлар электрон тарзда қабул қилинади

*“Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази” корхонасида эндиликда ўлчов воситаларини давлат қиёслов кўригидан ўтказиш учун электрон тарзда ариза бериш мумкин.*

Ягона давлат интерактив хизматлари порталида йўлга қўйилган ушбу қулайлик, жумладан, маиший газ, электр, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичларини давлат метрологик текширувидан ўтказиш учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига муассасага бормасдан туриб, электрон шаклда жўнатиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, истеъмолчилар ва коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида ҳисоблагичлар борасида низолар келиб чиққанда, жойидан ечмасдан туриб унинг метрологик хусусиятларини ўрганиш ва хулосалар бериш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

— Ариза тақдим этилгандан кейин 24 соат давомида ариза берувчининг Ягона порталдаги шахсий кабинетига метрологик текширувни ўтказишга шартнома тузиш ва ўлчов воситасини топшириш манзили ҳамда вақти ҳақида маълумот юборилади, — дейди марказнинг Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текширув ўтказиш бўлими бош мутахассиси Асқар Амирқулов. — Аризалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгач, метрологик хизмат кўрсатиш ташкилотларига тушади ва текширув ўтказиш натижалари бўйича мурожаат қилувчига тегишли ҳужжат ҳамда маълумотлар ўз вақтида берилади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**









# «Ўзбекистон — салоҳияти юксак мамлакат»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Гвидо ХАРТМАНН (Германия):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Бир олам таассуротлар оғушидаман. Қадимий Бухоронинг кўчаларида ўзимни гўё бир зумга тарихга қайтгандек ҳис қилдим. Айниқса, сўлим Лабиҳовуз ва унинг атрофида қад ростлаган қадимий ёдгорликлар мени мафтун этди. Неча минг йиллик ўтмишга эга шаҳар кечаю кундуз одамлар билан гавжумлигини айтмайсизми?! Кимдир оиласи билан истироҳат боғини айланаяпти, бошқаси сўлим хиёбондаги ўриндиққа ўтириб олиб, китоб ўқияпти, дўконларда савдо-сотиқ бир маромда кечаяпти. Қолаверса, ҳамма ерда қурилиш давом этмоқда. Булар, албатта, тинчлик ва осойишталикдан, халқнинг кайфияти кўтаринкилигидан далолатдир.

Яна бир жиҳат диққатимни тортди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси анча ривожланган экан. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, ресторанлардаги шароитлар ҳавас қилса арзигулик даражада. Таклиф этилаётган туристик йўналишлар ҳам қизиқарли. Назаримда, шунинг учун ҳам ҳар қадамда дунёнинг турли давлатларидан келган, инглиз, немис, француз, япон каби кўплаб тилларда гаплашаётган сайёҳлар учрайди.

Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент сингари гўзал шаҳарларингизни томоша қилиш, бу ажойиб юртнинг маданияти, тарихи билан яқиндан танишишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйиб, адашмаган эканман. Германияга қайтгач, таассуротларимни дўстларимга, яқинларимга мароқ билан сўзлаб бераман. Ишончим комилки, улар қизиқиб қолишади ва Ўзбекистонга саёҳат қилишга ошиқишади.

**Сачико КУРОСАВА (Япония):**

— Япон ва ўзбек халқларининг турмуш тарзи, маданиятида ўхшаш жиҳатлар кўп. Юртингизда бўлиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ўзбеклар ҳам меҳнаткаш, оилапарвар, юртсевар инсонлар экан. Бухородаги қадимий Арк қальаси, Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон каби тарихий обидалар халқингизнинг бой ўтмишидан сўзлаб турибди. Менга мустақиллик йилларида қурилган замонавий бинолар, боғу хиёбонларни ҳам кўрсатишди. Уларга боқиб, Ўзбекистон — салоҳияти юксак мамлакат, деган хулосага келдим.

Ўзбекистон ёшлари ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Уларнинг илму ҳунар ўрганишга иштиёқи баландлиги шундоқ кўриниб турибди. Икки-учта тилда бемалол сўзлаша олишини айтмайсизми?! Қадимий шаҳарлардаги қай бир ҳунарманднинг устахонасига кирмайлик, унинг ёнида уч-тўрт нафар шогирди ўтирганига гувоҳ бўлдик. Демак, қадриятлар, анъаналар давомийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётган экан. Бу ибрат олишга арзийдиган жиҳат.

Ўзбекистонга қисқа муддатга келгандим. Шунга қарамай, бу юрт менга қадрдон бўлиб қолди. Серқуёш ўлкангизга яна келиш ниятидаман. Бағрикенг, меҳмондўст, чеҳраси ҳамиша очиқ халқингизга ўзимнинг энг яхши тилакларимни билдираман.

**Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

# Энг улуғ, энг азиз байрам шукуҳи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки кайфиятда кутиб олинаётган энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами ҳам она-Ватанимизда ҳукм сураётган осойишталик, турли миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дўстлик ҳамда тотувлик билан бевосита боғлиқдир. Зеро, тинч ва обод юртга шодиёналар ярашади.

— Истиқлол — энг улуғ неъмат, — дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Санжар Ваҳобов. — Уни кўз қорачиғимиздек асраш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги замонда мустақиллик берган имкониятларнинг аҳамиятини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз. Шу боис доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Адабий-бадиий кечада Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари ҳамда таниқли санъаткорларнинг Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчага байрамона кайфият бағишлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аҳоли ижтимоий ҳимояси ва ислоҳот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, Сирдарё ва Навоий вилоятларида ташкил этилган тадбирларда салкам 300 нафар аёлга электр маиший техника жиҳозлари, меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатаётган фаол ва ташаббускор инсонларга тизимдаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар, шунингдек, талаба ва ўқувчиларга касаба уюшмалари стипендияси сертификатлари тақдим этилди. Айниқса, ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар идоралари оилаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар соҳа вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси бўлмоқда.

Шу ўринда Федерация саъй-ҳаракати билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълим олишлари ва жамоатчилик ишларида фаоллигини кучайтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни қайд этиш ўринлидир. Хотин-қизларга меҳнат дафтарчалари очиш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талабалар учун касаба уюшмалари стипендиясининг жорий этилгани ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2014 йилда “Касаба уюшмалари — талабаларга” акцияси доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 200 нафар талабага касаба уюшмаси стипендияси жорий этилгани бунинг амалий натижасидир.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросига касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан ўзаро алоқалари самарали йўлга қўйилган. Пировардида мазкур корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан корхонада амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари ва ишга янги қабул қилинган битирувчиларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Бинобарин, ҳар йили 35 мингга яқин коллеж битирувчиси ушбу кўмакдан баҳраманд бўлаётгани эътиборга моликдир.

Умуман айтганда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларнинг меҳнат муносабатларидаги манфаатларини муҳофаза қилишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, шубҳасиз, юртимиз тараққиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Қисқа сатрларда

● Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик куни яқинлашиб келаётган шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги ижтимоий объектлар, турар-жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, яқинда Сирдарё вилояти, Боёвут туманининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида янги спорт иншооти қуриб битказилди. Бу ерда футзал, волейбол, теннис, енгил ва оғир атлетика, гимнастика каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш мумкин.

**● Миллий матбуот марказида “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиз енгил саноат соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва уни янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.**

● Тошкент вилоятида умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг касб маҳорати ва маданиятини юксалтириш, янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, таълим тизими раҳбарлари масъулияти, ташаббускорлигини янада оширишга бағишланган август кенгашлари ўтказилмоқда.

**● Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт тизимида эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

● Тошкент ахборот технологиялари университети спорт мажмуасида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида “Гимнастика барча учун” деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Тажрибага суянган деҳқон ютқазмайди

*Асад, яъни август ойи пахтакорларни жиддий синовдан ўтказадиган масъулиятли даврдир. Чунки пахтачиликда айни шу паллада бажариладиган юмушларнинг аҳамияти, айниқса, беқиёс бўлиб, ғўза агротехника талабларига изчил амал қилиб парваришланса, унинг ривожи тезлашиб, шоналар гулга, гуллар кўсакларга айланади. Бўлиқ кўсаклар эса ой охирларида очилиб, лўппи-лўппи пахта бўлади.*



## АВГУСТ ОЙИДА ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

Шу боис бугун деҳқону фермер, механизатору мироб, қўйингки, барча қишлоқ меҳнаткашлари далада танда қўйишган. Бизнинг фермер хўжалигимиз жамоаси ҳам 113 гектар ерда парваришланаётган ғўзанинг “Омад” навидан баракали хирмон кўтариш ниятида агротехника тадбирларини сифатли ўтказишга жиддий эътибор қаратмоқда. Натижада шу пайтгача 7 марта культивация қилиниб, минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиқлантирилди. Суғориш тадбири эса “шарбат” усулида ўтказилиб, экинларга маҳаллий ўғит берилаяпти.

Бироқ “Энди ҳаммаси жойида” қабилида иш тутиб, хотиржамликка берилиш ярамайди. 70 гектар ерда уруғлик пахта етиштираётганимиз зиммамиздаги масъулиятни янада оширмоқда. Шу боис экинни культивация қилиш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандалардан ҳимоялаш тадбирларини ўз вақтида бажараяпмиз.

Тажрибадан маълумки, культивацияни бир кун кечиктириш ҳам зарар. Акс ҳолда, бунинг оқибатида жўяклар қуриб, юзаси ёрилади ва ғўзанинг илдизлари шикастланади. Бундан ташқари, намлик тез йўқотилиб, гул ва ҳосил тугунчалари тўкилиб кетиши мумкин.

Мутахассислар тавсияси, қолаверса, ғўза майдонларининг бугунги ҳолатини инобатга олган ҳолда, қатор ораларини яна 2 марта юмшатмоқчимиз. Бу жараёнда культиватор ишчи органларини яхшилаб “балиқ сирти” қилиб ўраб, ғилдираклар олдини суйри қилиб ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Нега деганда, тадбир асносида ғўза шохлари ва ҳосил нишоналарига зарар етказилмаслиги лозим.

Айтганча, бу йил ғўзани қўшқатор усулида экканмиз. Бунинг афзаллик жиҳати шундаки, ниҳоллар кўплиги эвазига ҳосилдорлик ортади. Чунки ҳар гектар майдонда ўртача 150 мингтагача ниҳол сақлаб қолинади. Ушбу технологиянинг нозик томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, ғўза қатор ораларига август ойида техника ва ишчи кучлари киритилмай қўйилса, ғўзанинг димиқиб, кўсаклар моғорлаб чириши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳосил тақдири ҳал бўладиган шу кунларда қатор оралаб юриб, ён шохларни чилпиш билан бирга, ғўзаларни “варақлаш” муҳим аҳамиятга эга. Бу ғўза бағрига шабада югуриб, кўсакларнинг моғорламасдан эрта ва тўлиқ очилишини таъминлайди.

Сув тарашда эса обиҳаётни “югуртириб”, енгил суғорган маъқул. Сабаби, озгина эътиборсизлик қилинса-ю, кўллатиб қўйилса борми, ғўза ғовлаб кетиб, кўсак сийраклашади. Қолаверса, кўсак пўсти қалинлашиб, унинг очилиши қийинлашади.

Хуллас, август ойи ҳосил салмоғини ошириш учун энг қулай, айни пайтда, ўта масъулиятли давр ҳисобланади. Буни ёдида тутиб, тажрибасига суяниб иш тутган деҳқон асло ютқазмайди. Бугунги тинимсиз ҳаракатлар эртага, албатта, ўз самарасини кўрсатиб, баракали ҳосил йиғиштириб олинади.

**Элибой ТАНИЕВ,**
**Пастдарғом туманидаги «Умсин момо» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.**



Ижтимоий фикр: Мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, қишлоқ аҳолисининг мутлақ катта қисми (респондентларнинг 92,3 фоизи) ўз оиласини бахтли деб билади.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Уй-жой жиҳозлари ва қурилиш материаллари етказиб бериш билан шуғулланувчи “Home Depot Inc.” савдо дўконлари тармоғи (АҚШ) учун жорий йилнинг иккинчи молиявий чораги муваффақиятли якунланди.*

## Натижа кутилганидан юқори




Маълумотларга кўра, ниҳоясига етган мазкур чоракда компания 2,05 миллиард доллар миқдорида соф фойда олишга эришган. Бу борадаги ўсиш суръати 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоизни ташкил қилган. Умумий кўрилган даромад ҳажми эса 23,8 миллиард долларга тенг бўлди.

Ушбу рақамларнинг барчаси аввалроқ экспертлар томонидан билдирилган тахминлардан юқоридир.

## Экспортда ўзгариш

*Июлда Японияда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,9 фоиз ўсди.*

Бу мазкур давлат ташқи савдоси бўйича сўнгги уч ой ичида қайд этилган дастлабки ижобий кўрсаткичдир. Жаҳондаги энг йирик молиявий компаниялардан бири — “HSBC” эксперти Исуми Девалиернинг фикрича, экспортнинг юксалиши иқтисодиёт равнақи учун, албатта, муҳим аҳамиятга эга натижа ҳисобланади. Лекин мазкур ҳолат кейинги чоракларда ҳам сақланиб қолади ми ёки йўқми, бу ҳақда бирор гап айтишга ҳали эрта.

Япония марказий банки эса 2015 йилнинг апрель ойидан бошланадиган навбатдаги молиявий йилда барча тармоқлардаги кўрсаткичлар яхши томонга ўзгаришини ва мамлакат иқтисодиёти 1,5 фоиз ўсишини башорат қилмоқда.

## Вулқон хавфи

*Маълумки, 2010 йилда Исландияда йирик вулқоннинг “уйғониши” натижасида бир неча кун давомида Европага ҳаво йўллари орқали қатнов издан чиққан эди.*



Ўшанда авиакомпаниялар қисқа муддат ичида 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрганди. “Евроньюс” телеканали тарқатган хабарга қараганда, айни кунларда ушбу мамлакатда “Бардарбунга” деб номланган бошқа бир вулқоннинг отилиш хавфи юзага келган. У жойлашган ҳудудда 16 августдан буён сейсмик фаоллик кузатилаяпти. Тез-тез қайд этилаётган ер силкинишларининг энг кучлиси 3,8 баллни ташкил қилган. Фавқулодда ҳолат туфайли Исландия жануби-шарқидаги бир қанча автотрасса вақтинча ёпилди. Мавжуд вазият юзасидан маҳаллий авиакомпаниялар ҳам огоҳлантирилди.

## 16 миллион хилда ёзади

*2015 йилнинг март ойидан эътиборан “Kickstarter” портали “Scribble” деб номланган антиқа ручка савдосини йўлга қўяди.*



Унинг ажабтовурлиги шундаки, ҳар қандай юзага теккизилса, ўша юзанинг рангини хотирасига муҳрлаб олади. Бир сониядан кейин эса сиз худди шу рангда ёзиш имкониятига эга бўласиз. Бунга ручкага ўрнатилган наносканер ва бир неча миникартрижлар ёрдам беради. Айтиш жоизки, “Scribble” хотирасига бир вақтнинг ўзида 100 мингта сканер қилинган ранг сиғади. У 16 миллион хил ранг ҳосил қила олади.

Рассомлар, ҳайкалтарошлар, дизайнерлар, стилистлар ва бошқа яна кўплаб соҳа вакилларига асқатадиган ушбу антиқа ёзиш воситасининг нархи 79 АҚШ доллари этиб белгиланган.

## Тошқинга сабаб бўлди

*Ҳиндистон ва Непалда тинимсиз ёққан ёмғир туфайли сув тошқинлари ҳамда кўчкилар рўй берди, дейилади “Ассошиэйтед Пресс” ахборот агентлиги хабарида.*



Ҳар икки мамлакатда минглаб одамлар бошпанасидан айрилган. Бир қанча аҳоли пунктлари ташқи дунёдан узилиб қолган. Уларга озиқ-овқат, ичимлик суви ва дори-дармон етказиш мақсадида вертолётлардан фойдаланилмоқда. Табиий офат Ҳиндистон ҳамда Непалда 160 дан зиёд кишининг умрига зомин бўлган. Икки юзга яқин одам бедарак йўқолган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Она замин гавҳари

*Эл орасида “Узумини енгу боғини суриштирманг” деган гап бор. Бу шунчаки кўчма маъно ташувчи ибора. Лекин айни пишиқчилик мавсумида болу шарбатга тўлган неъматлардан татиб, беихтиёр “Бу мевалар қайси боғда битган экан-а?” деб қолишингиз табиий.*

УЗУМЧИЛИК

Паркент — ана шундай мевазорлари, уста боғбону соҳибкорлари билан машҳур. Айниқса, бу ернинг узумини довруғи етти иқлимга таралган. Қувонарлиси, кейинги пайтларда туманда бу борадаги салоҳият ва имкониятлар янада ошди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартда қабул қилинган “2013 — 2015 йиллар даврига республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросига киришилди. Қарабсизки, дастлабки йилнинг ўзидаёқ бепоён қир-адирлар, об-ҳавоси кунда тўрт бора ўзгариб турадиган Чотқол тоғ тизмаси этакларида янги-янги лалми токзорлар кўзга ташлана бошлади.

Бултур қарийб 1 минг 500 гектар, бу йил эса 900 гектар лалми майдонда янги узумзор барпо этилди. Кўчатлар тумандаги 4 фермер, 20 дан ортиқ деҳқон хўжаликларида етиштирилди. Айрим хўраки навлар эса М. Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтидан келтирилди. Умуман, тумандаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган 442 та фермер хўжалиги келгуси йилгача узумзорларни 3 минг 300 гектарга кенгайтиришга бел боғлашган. Шу билан бирга, ҳозир 12 та махсус қудуқ қазилиб, лалми майдонларда томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинмоқда.

— Билсангиз керак, туманимизнинг ўзига хос иқлим шароитида лалми боғдорчилик ниҳоятда истиқболли саналади, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Суннатилла Хўжаахмедов. — Бунинг тасдиғини кўплаб фермерларимиз эришаётган натижалардан ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили боғбонларимиз аҳоли дастурхонига ва хориж бозорларига 55 минг тонна узум етказиб бердилар. Лалми майдонлардан 100 центнерга етказиб узум узилди. Суғорилмайдиган ернинг ҳар гектаридан 10 тонна сара ҳосил олинди.

Деҳқончасига хомчўт қилиб кўрайлик. Демак, 3 минг 300 гектар янги токзор ҳосилга кирганда, 33 минг тонна узум беради. Унинг ҳар килограмми ўртача минг сўмдан сотилса, шунинг ўзидан 33 миллиард сўм даромад олиш мумкин. Ҳосил ташқи бозорга чиқарилганда эса бу кўрсаткич 4-5 баробар кўпаяди. Илгарилари лалми майдонларда дон-дун етиштириб, гектар бошидан аранг 1-1,5 тонна ҳосил кўтарилгани инобатга олинса, мазкур ташаббус нечоғлик аҳамиятли экани янада ойдинлашади.

Бу — масаланинг бир томони. Яна бир муҳим жиҳати, боғдорчиликнинг меъёрий талабидан келиб чиқиладиган бўлса, шунча майдондаги токзор камида 4 минг кишини доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

> ...Паркентдан чиқиб, катта йўл бўйлаб тепага одимларкансиз, икки томондаги ям-яшил водий — Заркент қишлоғининг уфққа туташиб кетган токзорлари тароватидан кўзингиз қамашади. Шундай қақроқ майдонларда ер бағирлаб, илонизи бўлиб ўсаётган навниҳолларни кўриб, ҳайратга тушасиз, табиатнинг саховатигаю деҳқоннинг омилкорлигига лол қоласиз.

“Бакир-Зуфар” фермер хўжалиги раҳбари Бакир Эргашевнинг ана шу қир-адирлар билан “тиллашиб” келаётганига қирқ йилдан ошди. Заркентнинг машҳур боғлари гуллаб-яшнашида меҳнати сингиган соҳибкор лалми ерларда боғ-роғлар тиклаш ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Ўзи ҳам 9 гектар ана шундай майдонда мевазор, 2 гектар яйдоқ жойда янги токзор барпо этди.



Тажрибали боғбондан суғорилмайдиган ерда кўчат кўкартириш сир-асрорларини сўраганимизда, “Бизнинг заркентлик деҳқонлар аҳд қилса, томга узум экиб, ҳосилни бўғотнинг остидан тортиб олади”, дея гапни мутойибадан бошлади.

— Биласизми, ҳар бир боғбоннинг фақат ўзигагина маълум сирлари бўлади, — дейди фермер. — Барибир ҳамма гап меҳр ва иштиёқ билан меҳнат қилишда. Ахир давлатимиз шунча майдонни боғ қил, ўзинг ҳам, атрофингдагилар ҳам фойда кўрсин, деб бизга ишониб топшираяпти. Кўчат керакми — бор, техника керакми — мана, кредит керакми — марҳамат! Тирикчилиги ер билан бўлган инсонга бундан ортиқ яна қандай имконият керак?

Дарвоқе, заркентлик соҳибкорлар узум етиштиришда “чилла сақлаш”га алоҳида эътибор қаратарканлар. Айтишларича, саратоннинг авжи 40 куни мобайнида — узум айни ҳосил тугиб, шира йиғаётган пайтда токни мутлақо “безовта” қилиб бўлмасмиш. Бу вақтда токқайчи тутиб, узумзор оралаш, бачки навдаларни қирқиш, дорилаш ва ҳатто... токзор яқинида ортиқча шовқин-сурон кўтариш ҳам мумкин эмас экан. Акс ҳолда токлар ялпи касалликка чалиниб, ҳосил чўғи ва сифати пасаяркан...

— Узумчилик жуда нозик иш, — дея суҳбатга қўшилади “Лола Қорақалпоқ” фермер хўжалиги раҳбари Руҳиддин Норматов. — Шу боис боғбонлар орасида “Узум ўзим дейди”, деган гап юради. Бундан билаверингки, бир бош узумни узишдан аввал боғбон уни камида уч бора силаб-сийпаган бўлади.

...Асад оёқлади — Заркент кишмишига ранг кирди. Шоир айтмоқчи, бобоқуёш ток “сочи”ни нурдан тараб, зангининг бўйнига маржон шодаларини осди. Шабнамли япроқлар остидан “термилиб” турган янги ҳосиллар ризқимиз бутунлиги, дастурхонларимиз файзи, деҳқоннинг топганига барака кираётганидан дарак эмасми, аслида?

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**2014 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун жиҳозларни харид қилиш мақсадида эълон қилинган тендер савдоларининг қуйидаги лотлари бўйича қайта тендер ўтказилишини эълон қилади.**

| | |
|---|---|
| I лот. | Компьютер синфлари учун компьютер техникалари (2 429 840 000 сўм) |
| II лот. | Ахборот-ресурс марказлари учун компьютер техникалари (605 675 000 сўм) |
| III лот. | Чет тили хонаси учун компьютер техникалари (8 329 111 000 сўм) |
| IV лот. | Тикувчилик устахонаси жиҳозлари (1 579 996 600 сўм) |
| V лот. | Чилангарлик устахона жиҳозлари (1 374 020 000 сўм) |
| VI лот. | Йўл ҳаракати қоидаси хоналари жиҳозлари (1 579 284 000 сўм) |
| VII лот. | Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси жиҳозлари (4 365 384 000 сўм) |
| VIII лот. | Электргазпайвандлаш устахонаси жиҳозлари (2 412 810 000 сўм) |
| IX лот. | Электрмонтаж иши устахонаси жиҳозлари (637 269 750 сўм) |
| X лот. | Электр чилангарлик ва монтаж иши устахонаси жиҳозлари (1 311 714 800 сўм) |
| XIV лот. | Пойабзал таъмирлаш устахонаси жиҳозлари (173 007 000 сўм) |
| XVI лот. | Дастгоҳларда ишлаш устахонаси жиҳозлари (1 725 892 000 сўм) |
| XVII лот. | Умумқурилиш ишлари устахонаси жиҳозлари (1 695 340 000 сўм) |
| XVIII лот. | Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш устахонаси жиҳозлари (1 010 282 000 сўм) |
| XIX лот. | Компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва созлаш устахонаси жиҳозлари (1 769 342 700 сўм) |
| XX лот. | Маиший хизмат машиналари ва асбоб-ускуналарини таъмирлаш устахонаси жиҳозлари (365 326 000 сўм) |

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий компьютер техникалари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун ускуна ҳамда дастгоҳларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган барча етказиб берувчи корхона ҳамда ташкилотлар, жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагидаги талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг банк реквизитлари:
Молия вазирлиги Ғазначилиги
ҳ/р: 23402000300100001010,
ш/ҳ/в: 499910860262807950100028001,
ҲККМ Марказий банк Бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
СТИР: Ғазначилик 201122919, СТИР ЎМКҲТ маркази 202515618.
100095, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
Телефон: (8-371) 246-12-40. Факс: (8-371) 246-12-74.
E-mail: sspo_taminot@markaz.uz

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги маълумотларни эълон чоп этилган кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер таклифлари тендер комиссиянинг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2014 йил 19 сентябрь куни соат 18.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Тендер савдолари тўғрисидаги дастлабки эълонлар «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 20 июндаги 119 (6049)-сони, «Народное слово» газетасининг 2014 йил 21 июндаги 120 (6020)-сони, «Правда Востока» газетасининг 2014 йил 17 июлдаги 137 (27839)-сони, «Маърифат» газетасининг 2014 йил 19 июлдаги 58 (8707)-сони ва «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 5 августдаги 93 (31840)-сонида берилган.

1297R/685

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг 2014 йил 15 августдаги АМ-5689/08-сонли буюртманомаси ва ТИФ Миллий банки инвестиция қўмитасининг 2014 йил 6 августдаги 28-сонли кенгаш баённомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Саманбай қўрғонида жойлашган, собиқ «Қорақалпоғистон» иссиқхона жамоа хўжалигига тегишли, умумий ер майдони 14,0 гектардан иборат, шундан бино-иншоотларнинг қурилиш ости ер майдони 56 158,80 кв.м. бўлган 5 та секция ва 10 та бино-иншоотдан иборат.

***Бошланғич баҳоси — 3 378 876 286 сўм.***

**2.** Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Лалмикор» ҚФЙ, «Тараққиёт» МФЙда жойлашган, собиқ «Зарзамин» фермер хўжалигига тегишли, умумий ер майдони 70 488 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 6192,5 кв.м. бўлган 4 та бино-иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 256 074 000 сўм.***

**3.** Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Халқобод қўрғонида жойлашган, собиқ «Толибой Ҳожи АТГ» хусусий корхонасига тегишли, умумий ер майдони 22 939,57 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 5943,19 кв.м. бўлган 12 та бино-иншоот ва бошқа мол-мулклар.

***Бошланғич баҳоси — 855 591 000 сўм.***

**4.** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Хитой қўрғонида жойлашган, собиқ «Семур Сан-Те» қўшма корхонасига тегишли, умумий ер майдони 70 840 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 5224,89 кв.м., 12 та бино-иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 447 385 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 сентябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 5 сентябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар 2014 йил 8 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 11, 16 ва 19 сентябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 сентябрдаги савдо учун — 9 сентябрь, 16 сентябрдаги савдо учун — 14 сентябрь, 19 сентябрдаги савдо учун — 17 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоиз миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида 5 (беш) банк иш кунидан кечиктирмасдан тўлаши, қолган қисмини шартнома асосида бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга ошириши лозим.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан (бир йилдан кўп бўлмаган муддатга) сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотека) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан тўланадиган закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Саманбай қўрғонида жойлашган объект бўйича), қолган объектлар бўйича 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1290R/1453

ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**

**компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига **«Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга»** сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт. Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда **«Техник қисми»** ва **«Тижорат қисми»** сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

*Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 15 сентябрь куни соат 17.00 гача қабул қилинади.*

**Танловнинг энг юқори баҳоси** — 193 398 000 сўм.
**Танлов ҳужжатларининг баҳоси** — 192 210 сўм.

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**Наманган шаҳри, Ирригатор кўчаси, 2-«А» уй.**
**Телефонлар: (8-369) 234-11-16, 234-35-01.**
**Ҳ/р: 21506000500193313006, МФО: 00021, ОКОНХ: 97200,**
**СТИР: 202032705, Марказий банкнинг Наманган шаҳар бўлими.**

1299A/632

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 151409/8109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, Алишер Навоий МФЙ, Баҳоуддин Нақшбандий кўчаси, 216-уйда жойлашган қозонхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 452 952 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 244-46-39, 244-46-22. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1289R/1453

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашевага онаси

**Саодат МАМАТҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Жаҳон 24 соат ичида: Калифорния университети олимлари девор орқасини кўриш имконини берадиган электрон кўзойнак ихтиро қилишди.

# Бокуда тақдимот маросими

*Боку шаҳрида жойлашган “Hilton” меҳмонхонасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва “Тошкент — Сингапур — Тошкент” йўналишидаги ҳаво қатнови мавзуларини қамраб олган тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

ТУРИЗМ

“Мен Сингапурни севаман” номи остида ўтказилган ушбу тадбир “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг Боку шаҳридаги ваколатхонаси ва мамлакатимизнинг Озарбайжондаги элчихонаси ҳамкорлигида ҳамда Сингапур сайёҳлик бюроси ва “Changi” халқаро аэропорти иштирокида ташкил этилди.

Тақдимотда Озарбайжоннинг Маданият, спорт ва сайёҳлик вазирлиги, етакчи сайёҳлик компаниялари, жамоатчилик ва маданий доиралар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш юзасидан олиб бораётган сиёсати, хусусан, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, мамлакатимизда сайёҳлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар билан атрофлича танишдилар.

Маросим чоғида “Буюк Ипак йўлидаги сайёҳлик” XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси мавзуига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур ярмарка Марказий Осиё минтақасида ўтказиладиган энг йирик сайёҳлик анжуманларидан бири эканлиги ва унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан минг-минглаб мутахассислар иштирок этаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, тақдимотда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг имкониятлари, авиакомпания фаолиятига доир янгиликлар, “Changi” аэропорти ва Сингапур сайёҳлик соҳасининг ривожи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Таъкидланганидек, “Тошкент — Сингапур — Тошкент” йўналишидаги авиақатновлар Озарбайжон, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида амалий алоқаларнинг фаоллашувига ҳамда ушбу ҳудудлар бўйлаб ранг-баранг сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқишга ҳам туртки бўлади.

Озарбайжонлик мутахассислар мазкур янги йўналиш Ўзбекистон ва Озарбайжон сайёҳлик компаниялари ўртасида муваффақиятли ҳамкорликни, шунингдек, мамлакатлараро маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун жуда қулай имконият яратганини қайд этишди.

Ўз навбатида, Сингапур томони “Changi” халқаро аэропорти имкониятлари, терминаллар сонини кўпайтириш ва авиайўловчиларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, транзит йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, минтақанинг сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги маълумотларни тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилди.

Юртимиз сайёҳлик салоҳиятини янада оммалаштириш мақсадида мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси, шунингдек, тарихий-меъморий обидалар мавзуларига бағишланган суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Шу билан бирга, тақдимот доирасида намойиш қилинган ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида Озарбайжон ва Сингапур сайёҳлик компанияларининг вакиллари “Буюк Ипак йўлида сайёҳлик” XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига таклиф этилдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Боку



ТАЪЛИМ

*Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида “Инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги дастури” лойиҳаси доирасида ташкил қилинган интенсив-тренинг дастури давом этмоқда.*

# Амалий дастур, илғор ёндашув

Тадбирда сўзга чиққан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар ҳамда бошқалар мамлакатимизда таълим тизимига оид ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Тренингда республикамизнинг 18 та олий ўқув юртидан 160 нафар инглиз тили ўқитувчилари иштирок этаяпти. Айтиш жоизки, мазкур олий таълим муассасаларида 2013 йилдан буён янги дастур асосида инглиз тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

— Бугунги кун ҳар бир педагогдан кучли билим ва машғулотларга янгича ёндашишни талаб этаяпти, — дейди Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Жамила Ғуломова. — Ўз навбатида, ушбу дастур замонавий инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уни модернизация қилишга қаратилган.

Шунингдек, лойиҳа доирасида замонавий ўқув материалларини тузиш, сифатли баҳолаш тизимини амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда талабаларнинг мустақил ишлашини рағбатлантиришга йўналтирилган амалий машғулотлар ташкил қилинади.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# МУҚАДДАС ДИЁР МАДҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танлов ташкилий қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу санъат байрамининг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ижодий-ташкилий ишлар мувофиқлаштириб борилди. Кўрикни жойларда юқори савияда ўтказиш учун тажрибали режиссёрлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассислар жалб этилди. Санъат анжуманининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичларида 77 минг 300 дан ортиқ ижрочи қатнашди. Таниқли санъаткорлар ва ижодий жамоалар билан бирга, санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшларнинг ватанпарварлик, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқлари сараланди.

— Ватанни куйлаш, уни юксак пардаларда мадҳ этиш олий шараф, — дейди Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳабибулла Раҳимов. — Танлов учун тақдим этилган қўшиқларда уларнинг бадиий савияси, хонандаларнинг ижро маҳорати билан бирга “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этганига алоҳида эътибор қаратилди.

Танловда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, мусаффо осмонимизни, табаррук Ватанимизни, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни, бағрикенг, меҳнатсевар халқимизни тараннум этувчи қўшиқлар томошабинларга тақдим этилди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёналари арафасида эълон қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







WWW.XS.UZ Тошкент вилояти: Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунига етди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5